



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА
ЭЛЕКТРОН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ АҲАМИЯТИ
ҲАМДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мухаммадов Нодир Каримович
ТДИУ мустақил изланувчisi

Аннотация

Ўзбекистон Республикасида Уибу мақолада рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида электрон ҳисобварақ-фактураларни аҳамияти иқтисодиётни глобал рақамлаштириши шароитида солиқ қўймитасининг тадбиркорларликни ривожлантириша, солиқлар турининг сонини қисқартиши бўйича бажарилаётган ишлар, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтиши бу борада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини такомиллаштиришининг асосий йўналишлари келтирилган. Шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштириши шароитида электрон ҳисобварақ-фактураларни фаолиятини янада такомиллаштириши асосида илгор ахбороткоммуникация технологияларини қўллаш масалаларини ўз ичига олади.

Аннотация

В Республике Узбекистан в данной статье представлена важность электронных счетов-фактур в развитии цифровой экономики, в развитии предпринимательства налогового комитета в контексте глобальной цифровизации экономики, проводимая работа по сокращению количества видов налогов, расширению рядов дисциплинированных налогоплательщиков в связи с этим к основным направлениям он также относит вопросы применения передовых технологий информатизации на основе дальнейшего совершенствования деятельности электронных счетов-фактур в условиях цифровизации экономики.

Abstract

In the Republic of Uzbekistan, this article presents the importance of electronic invoices in the development of the digital economy, in the development of entrepreneurship of the tax committee in the context of the global digitalization of the economy, the work being done to reduce the number of types of taxes, expand the ranks

of disciplined taxpayers in this regard, he also refers to the main areas of application of advanced informatization technologies based on further improvement of activities electronic invoices in the conditions of digitalization of the economy.

Калим сўзлар

бюджет сиёсати, электрон ҳисобварақ-фактуralар, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ, интерактив хизмат, самарадорлик, рақамли платформа, онлайн назорат-касса техникаси, усуллар ва воситалар, илгор ахборот коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириши, веб-хизматлар, замонавий техникалар.

Ключевые слова

бюджетная политика, электронные счета-фактуры, налоговое администрирование, субъекты хозяйствования, налоговая отчетность, налоговые поступления, налогообложение, интерактивный сервис, эффективность, цифровая платформа, онлайн-контроль и кассовые техники, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, веб-сервисы, современные технологии.

Keywords

budget policy, electronic invoices, tax administration, business entities, tax reporting, tax receipts, taxation, interactive service, efficiency, digital platform, online control and cash registers, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, web services, modern technologies.

Кириш

Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама кўмаклашишдир. Маълумки бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Солиқ назоратининг эскирган услуб ва принципларига асосланган давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш мазкур органлар олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йигилувчанлигининг оширилишини таъминлаш мақсадида замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, бюджет даромад манбани кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳани ривожлантириш бўйича хукуматимизнинг бир қатор Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинган бўлиб ушбу қарорларни ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Жаҳон мамлакатлари солиқ тўловчилари учун солиқ тўлаш уларнинг хукумат билан энг қийин ва кўп вақт талаб қиласидаган ўзаро муносабатларидан

биридир. Шу сабабли солиқ идоралари ўз тизимларини автоматлаштиришни амалга оширишмокда. Технологияни ўзлаштириш муваффақиятли ва барқарор солиқ ислоҳотларини амалга оширишга, рақамли иқтисодиётнинг тўғри солиққа тортилишини таъминлашга ва риоя қилиш йўлидаги тўсиқларни камайтиришга имкон беради. Кўпроқ бюджетга даромадлар олишни самаралироқ йиғилиши, шаффофлик ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда катта маълумотлар оқимиини мослаштиришни таъминлайди.

Солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги бугунги замонавий технологиялар ривожланган шароитда ахборот технологияларига узвий боғлиқдир. Агар, солиқ тизимида ахборот технологияларни қўллаш орқали солиқларни ундириш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий назарий қарашлар мавжуд. Хусусан, и.ф.н., доц А.Қабулов Ўзбекистонда солиқ тизимида солиқ тизимини автоматлаштиришнинг таркибий тузилмаси қандай бўлиши лозимлиги, солиқ тизимида ахборотлаштириш ва автоматлаштириш жараёнининг шаклланиш жараёни, шунингдек, солиқ хизмати органларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар билан солиқ тўловлари (тушумлари) бўйича ўзаро ҳисоблашишларнинг концептуал механизмларининг ишлаши билан боғлиқ жараёнлар ҳамда солиқ текширувлари бўйича режа-графикларнинг ишлаш ҳолати тадқиқ қилинган [1].

Солиқ тизимини автоматлаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Р.Абхалимова Р ва А.Шарафутдиновларнинг фикрига кўра, “солиққа тортишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими замонавий ахборот технологиялари ва маълумотларни қайта ишлашнинг янги имкониятларидан фойдаланган ҳолда солиқ органлари фаолиятини ташкилий бошқариш шакли бўлиб, ундан фойдаланиш жараёнида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтидалиги ва асослилиги ошади, шошилинч вазифалар рўйхатини кенгайтириш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг мураккаблигини камайтириш, ахборот оқимларини тартибга солиш, иқтисодий ва математик усусларни қўллаш орқали солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини оптималлаштириш мумкин бўлади” [2].

Айнан ушбу муаллифлар солиқ тизимини автоматлаштиришда “солиқ автомати” тушунчасини қўллайди ва уни “кирувчи ҳужжатларни ўз вақтида қайта ишлаш ва солиқ маъмуриятчилигининг расмийлаштирилган тартибларини автоматлаштириш имконини берувчи технология деб таърифлайди ҳамда унинг хусусиятлари сифатида технология ҳисоб-китоблар, тўловларни ўтказиш, қарзларни ундириш ва ҳоказо жараёнларни автоматлаштириш”ини келтиради.

И.Мелешенко ўз тадқиқотларида солиқ тизимида солиқ қонунчилигининг амал қилишида электрон савдо жараёнларини тадқиқ қилиб, солиқ тизимида электрон савдо муносабатларининг хукуқий жиҳатлари билан бирга уни амалга оширишда ахборотлаштириш орқали хорижий компанияларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш, уларни иккиёклама солиққа тортмасликни бартараф этишда ахборот технологиялардан қандай самарали фойдаланишнинг йўлларини ишлаб чиқкан[3].

М.Денишенко ўз навбатида маҳаллий даражадаги солиқ маъмурчилигига солиқ тизимининг иштирокчилари ўртасидаги ахборотлар оқимиини турли хил

шаклларда гурухланишини, маҳаллий даражадаги солик маъмурчилигини такомиллаштиришда ахборот-таҳлил қилиш ва уни амалга оширишда ахборот технологиялардан фойдаланиш йўлларини илмий жиҳатдан асослаб берган. Ушбу олимнинг фикрича “солик маъмурчилиги давлатнинг иқтисодий вва социала соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадлардан келиб чиқиб, соликқа тортиш борасида жараёнларни мувофиқлаштиришга қаратилган солик хизмат органларининг тизимли фаолиятидир” [4].

Россиялик солик соҳасидаги йирик олимлардан бири М.Мишустин илмий тадқиқотларида солик маъмурчилигини такомиллаштиришга кенг урғу берган ва бунда ахборотлаштириш жараёнларининг солик маъмурчилиги самарадорлигини таъминлашдаги ролини кўрсатиб беради. М.Мишустин солик органларida маъмурчиликни такомиллаштиришнинг муҳим звенолари сифатида ахборот манбаларини оқимини тўғри бошқариш, уларни тезкор қайта ишлаш, солик тизими элементларининг бир бутун механизм сифатида ишлашининг ахборотлаштирилган услубий таъминотнинг йўналишларини кўрсатиб берган [5].

В.Александров ҳам солик тизимида хорижлик фуқароларнинг электрон савдо фаолияти учун соликқа тортишда ахборотлаштиришнинг аҳамиятини тадқиқ қилган. Тадқиқотчи бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг электрон тизимлар орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлик учун соликқа тортишни тартибга солишида ахборотлаштиришни ташкил қилиш механизmlарини кўрсатиб берган. Бунда ахборот манбаларини ишлаш, қайта ишлаш, соликқа тортиш мақсадида солик базасини аниқлашда ахборотлаштириш тизимларидан самарали фойдаланиш йўлларини асослаб беради [6].

Шунинг билан, фикиrimизча солик маъмурчилиги аслида соликларни ундириш ваколати юклатилган давлат органларининг фаолиятини қамраб олиб, бу фаолият ўзларининг хуқук ва бурчлари, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб қилиши билан боғлиқ ташкилий-услубий жараёнларни, солик ундиришга хизмат қилувчи ва солик тўловчилар билан соликларни ундириш борасидаги кенг қамровли ўзаро манфаатга асосланган фаолиятларнинг тизимли равишда бошқарилиши ва мувофиқлаштириш муносабатларини қамраб олади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усуllibаридан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солик маъмурчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали солик базасини кенгайтириш бўйича таклиф ва илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси

Бугунги кунда шаклланган давлат солик хизмати органларида АКТни жорий этиш тузилмаси маълумотларни йиғиши ва қайта ишлашнинг яхлит тизимига, қўйилиши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг назоратини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, рақамли иқтисодиёт янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини белгиловчи омиллардан биридир. Солик назоратининг эскирган услугуб ва принципларига асосланган давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш мазкур органлар олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йигилувчалигининг оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 3802-сон қарори қабул қилинган. Солик тўловларининг ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш, маъмурий тартиб-таомилларни максимал даражада камайтириш ва соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетларнинг даромад қисмини барқарор шакллантириш мақсадида электрон ҳисобварак-фактураларни ҳисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарини автоматлаштирилган мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулотларни кўллаётган солик тўловчиларнинг қамраб олиниши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрда “Солик маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 807-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида 2018 йил 15 октябрдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварак-фактураларни мажбурий тартибда расмийлаштиришни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказилди. Эксеримент тарзда 2019 йилнинг 1 февралига қадар мувоффақиятли амалга оширилиб янада такомиллаштириши белгиланди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварак-фактуралардан фойдаланишни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июнда “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарорини қабул қилди. Мазкур қарор билан электрон ҳужжат айланиш тизими, иштирокчилари ва уларнинг мажбуриятлари белгилаб берилди ва республика ҳудудида 2019 йил 1 июлдан бошлаб ихтиёрий равишда, 2020 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобварак-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимини мажбурий тартибда жорий этиши белгилаб берилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази” давлат унитар корхонасини электрон ҳисобварак-фактураларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, операторлараро узатиш ва ҳисобини юритиш бўйича ваколатли роуминг оператори этиб белгиланди. Қарор билан электрон ҳисобварак-фактура айланиш тизимида товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи ва сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар, роуминг оператори, операторлар ва ваколатли давлат органларининг электрон ҳисобварак-фактураларни тақдим этиш, қабул қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш

доирасидаги ўзаро муносабатлари тартибини белгилайдиган “Ўзаро ҳисобкитоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварап-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб, амалиётга қабул қилинди.

Шунингдек, қарор билан Давлат солик қўмитасининг интеграциялаштирилган ягона ахборот-ресурс базасининг ҳисоблаш қувватини кенгайтириш учун зарур сервер ва телекоммуникация қурилмалари олиниши таъминланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ “Ҳисобварап-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Низом ҳисобварап-фактураларнинг шакллари ва уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартибини белгилайдиган асосий ҳужжат сифатъида қабул қилинди. Бу меъёр Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 47-моддаси билан мустаҳкам белгилаб қўйилган.

Солик маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрда “Солик мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сонли Фармонлари қабул қилинди. Ушбу Фармон доирасида қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни — электрон ҳисобварап-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солик органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва солик ҳисботини шакллантирилиши белигланган. Шу билан бирга фармоннинг 4-бандида солик тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солик солиш обьекти ёки солик солиш билан боғлиқ бошқа обьектларни электрон ҳисобварап-фактураларда акс эттириш имкониятларини яратиш белгиланган. Бундан ташқари, Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августда “Давлат солик хизмати органлари томонидан солик тўловчиларнинг солик мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 471-сонли қарори тасдиқланди. Мазкур қарорнинг 10-банди билан солик тўловчиларнинг топшириши шарт бўлган ҳисботларини автоматлаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Аммо юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблигига қарамасдан бази камчиликлар мавжуд, яъни солик ҳисботларида акс эттириладиган электрон ҳисобварап-фактураларнинг ҳолати

белгилаб берилмаган. Электрон ҳисобварақ-фактуралар қуидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

Қоралама(код рақами -1);
Юборилган(код рақами -10);
Контрагент имзосини кутмоқда (код рақами -15);
Бекор қилинган (сотувчи томонидан) (код рақами -17);
Рад этилган (харидор томонидан) (код рақами – 20)
Қабул қилинган (код рақами 30);
Ҳақиқий эмас деб топилган (код рақами -40);
ДСҚ томонидан бекор қилинган (код рақами 50).

Юқорида келтирилган электрон ҳисобварақ – фактураларнинг қайси ҳолати ҳисоботда акс эттирилиши кераклиги ҳуқуқий томондан белгилаб берилмаган. Бу камчиликни олдини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорининг 2-иловасига кўшимча киритиш таклиф этилган. Келтирилган таклиф амалга оширилса, солик тўловчилар билан бўлиши мумкин бўлган суд ҳолатлари олди олинади ва судларда асос сифатида меъёрдан фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Электрон ҳисобварақ - фактуралар тизими жорий қилингандан бошлаб қуидаги миқдорда солик тўловчилар ва ҳужжатлар расмийлаштирилган.

1-жадвал¹

Электрон ҳисобварақ-фактуралар ва солик тўловчилар динамикаси тахлили

| T/P | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил |
|-----------------|-------------|-------------|---------------|---------------|---------------|
| Сотувчилар сони | 4 398 | 30 600 | 284 363 | 329 891 | 285 787 |
| ЭХФ сони | 34 374 | 982 756 | 23 569 604 | 33 801 546 | 38 668 672 |

Изоҳ: Келтирилган жадвалда кўрсатилган маълумотлар электрон ҳисобварақ - фактураларни 10-15-30 ҳолатлари олинган ва сотувчилар сони кўрсатилган.

Мазкур келтирилган 1-жадвал маълумотлардан солик тўловчилар томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар сони ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин.

Ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилганда бир қатор қулийклар вужудга келади:

Биринчидан, қоғоз тежалади;

Иккинчмдан, куръер харажатлари тежаб қолинади;

Учинчидан, маълумотлар 10 йил давомида ДСҚ маълумотлар базасида хавфсиз сақланади;

Тўртингидан, реквизитларни расмийлаштиришда хатоликлар олди олинади;

¹ Давлат солик кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Бешинчидан, хуфёна иқтисодиётни амалга оширилишининг олдини олиш тезлади ва манзилли ёндашув амалга оширилади. Бу каби афзалликларни кўплаб келтириш мумкин.

Келтирилган таклиф инобатга олинганда маълумотлар билан ишлаш тизимида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар олди олинган бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига инновацияларни жорий этиш учун зарурӣ шароит яратиш орқали билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишнинг янги воситаларини амалиётга жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва амалиётга рақамли иқтисодиёт ва инновацияларни қўллаш ҳамда “яшил ўсиш” тамойилларига ўтиш сиёсатини мувофиқлаштириб боришга имкон бериш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари шаффоғлигини таъминловчи ҳамда тегишли тоифаларга ажратишнинг (туман ва шаҳарлар) ахборот тизими жорий этиш;

Давлат харидларининг барча босқичларида комплекс мониторинг ва самарали назоратни таъминлайдиган ягона, яхлит, самарали ва барқарор таҳлилий ахборот тизими яратиб, бунда ЭҲФларда мажбурий фойдаланиб келаетган маҳсулотларнинг таснифлагичини (МҲИҚ тизими) давлат харидларига жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тош: Ғ.Ғулом 2020.- 640 б. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.

2. Нормурзаев У. Х. “2021 йилдаги солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан //Интернаука. – 2021. – Т. 6. – №. 182 часть 2. – С. 99.

3. Нормурзаев У. Х Солиқ имтиёzlари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-lab-uvvatlash-siyosati> (дата обращения: 17.01.2023).

4. А.Қабулов. Автоматизация деятельности налоговых органов.Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил.

5. Абхалимова Р.С., Шарафутдинов А.Г. Информационные технологии XXI века//Экономика и социум. № 2–5 (11). С. 234–236. алимова, Шарафутдинов.Цифровая трансформация международной налоговой системы Режим доступа: <http://worldtaxes.ru/tsifrovaya-transformatsiya-mezhdunarodnoj-nalogovoj-sistemy> (дата обращения: 09.02.2019).

6. Мелешенко Иван Павлович. Актуальные правовые проблемы международного налогообложения электронной коммерции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Москва, 2008.

7. Денищенко Максим Николаевич. Комплексная методика информационно-аналитической поддержки налогового администрирования регионального уровня с учетом поведенческого фактора налогоплательщиков. Специальность 05 13 10 «Управление в социальных и экономических системах» автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Москва.-2007. С.7.

8. Мишустин Михаил Владимирович. Механизм государственного налогового администрирования в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва, 2003.

9. Александров Виктор Абдулаевич. Налогообложение доходов иностранных участников электронной коммерции в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва, 2006.